

**ТУПРОҚШУНОСЛИК ВА АГРОКИМЁ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ  
ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.25/30.12.2019.Qx/B.43.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТЕРМИЗ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**НОРМУРАТОВ ОЙБЕК УЛУҒБЕРДИЕВИЧ**

**ТАҚИРЛИ-ЎТЛОҚИ ТУПРОҚЛАР ШАРОИТИДА ПОМИДОРДАН  
ЮҚОРИ ҲОСИЛ ЕТИШТИРИШДА АЗОТЛИ ЎҒИТ МЕЪЁРИНИ  
АНИҚЛАШ ВА БИОЛОГИК ПРЕПАРАТ ТАЪСИРИ**

**06.01.04 – «Агрокимё»**

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2022**

**Қишлоқ хўжалиги фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)  
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по  
Сельскохозяйственным наукам**

**Content of the abstract of (PhD) doctoral dissertation of agricultural  
sciences**

**Нормуратов Ойбек Улуғбердиевич**

Тақирли-ўтлоқи тупроқлар шароитида помидордан юқори ҳосил  
етиштиришда азотли ўғит меъёрини аниқлаш ва биологик препарат  
таъсири..... 3

**Нормуратов Ойбек Улуғбердиевич**

Определение норм азотных удобрений и влияние биопрепаратов при  
возделывании высоких урожаев томатов в условиях такырно-луговых  
почв ..... 22

**Normuratov Oybek**

Determination of norms of nitrogen fertilizers and biological preparations in  
the production of high-yield tomatoes in the conditions of takyr-meadow  
soils..... 40

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

**Список опубликованных работ**

List of published works..... 44

**ТУПРОҚШУНОСЛИК ВА АГРОКИМЁ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ  
ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.25/30.12.2019.Qx/B.43.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТЕРМИЗ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**НОРМУРАТОВ ОЙБЕК УЛУҒБЕРДИЕВИЧ**

**ТАҚИРЛИ-ЎТЛОҚИ ТУПРОҚЛАР ШАРОИТИДА ПОМИДОРДАН  
ЮҚОРИ ҲОСИЛ ЕТИШТИРИШДА АЗОТЛИ ЎҒИТ МЕЪЁРИНИ  
АНИҚЛАШ ВА БИОЛОГИК ПРЕПАРАТ ТАЪСИРИ**

**06.01.04 – «Агрокимё»**

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2022**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2021.3.PhD/Qx275 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Термиз давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати учта тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) веб-саҳифада <http://soil.uz/> манзилига ҳамда «ZiyoNET» ахборот-таълим портали [www.ziyounet.uz](http://www.ziyounet.uz) манзилига жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Зокиров Холмат Хуррамович**

қишлоқ хўжалиги фанлари номзоди, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Ниязалиев Бегали Ирсалиевич**

қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор  
Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш  
агротехнологиялари илмий-тадқиқот институти

**Боиров Абдунаби Жўраевич**

қишлоқ хўжалиги фанлари номзоди,  
катта илмий ходим

Тупроқшунослик ва агрокимё илмий-тадқиқот  
институти

**Етакчи ташкилот:**

**Тошкент давлат аграр университети**

Диссертация ҳимояси Тупроқшунослик ва агрокимё илмий-тадқиқот институти ҳузуридаги DSc.25/30.12.2019.Qx/B.43.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил «30» 03 соат 14<sup>00</sup> даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 111202, Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Ботаника МФЙ, ЎзПТИТИ кўчаси, ТАИТИ. Тел.: (+99878) 150-62-84; факс: (99871) 150-61-37; e-mail: info@soil.uz).

Диссертация билан Тупроқшунослик ва агрокимё илмий-тадқиқот институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (60 - рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 111202, Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Ботаника МФЙ, ЎзПТИТИ кўчаси, ТАИТИ. Тел.: (+99878) 150-62-84; факс: (99871) 150-61-37.

Диссертация автореферати 2022 йил «14» 03 кун тарқатилди.

(2022 йил «14» 03 даги 3 рақамли реестр баённомаси)



**Ш.М.Бобомуродов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
раиси, б.ф.д., катта илмий ходим

**Ж.М.Қўзиев**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
илмий қотиби, к.х.ф.д., катта илмий ходим

**Н.Ю.Абдурахмонов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
қошидаги илмий семинар раиси, б.ф.д.,  
катта илмий ходим

## **КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Бугунги кунда «дунё мамлакатларининг ярмидан ортиқ қисмида помидор етиштирилиб, ҳар йили жами 5 млн. гектарга яқин майдонда 180 млн. тоннадан ортиқ помидор ҳосил олинади. Дунё бўйича Хитой давлати помидор етиштириш бўйича етакчи давлатлар сирасига кириб, жами 56,3 млн.т., Хиндистонда 18,3 млн.т., АҚШда 13,0 млн.т., Туркияда 12,6 млн.т., Мисрда 7,9 млн.т., Италияда 6,4 млн.т., Ўзбекистонда эса 2,9 млн.т. маҳсулот етиштирилиб, ўртача ҳосилдорлик гектарига 70–100 тоннани ташкил этади»<sup>1</sup>. Қишлоқ хўжалиги экинларини минерал ўғитлар билан таъминлашга қаратилган тадбирларни қўлламасдан режалаштирилган ҳосилни олиб бўлмайди. Шунинг учун сабзавот экинларида минерал ўғитлар қўллашнинг мақбул меъёрларини ишлаб чиқиш, уларнинг тупроқ унумдорлигини тикланишида турли хил биологик препаратлар билан биргаликда қўллаш орқали сақлаш ва ошириш ҳамда етиштирилаётган помидор экинидан режалаштирилган ҳосил олиш долзарб ҳисобланади.

Дунёда тупроқ унумдорлиги ва помидор ҳосилдорлигини ошириш мақсадида турли биопрепаратларни минерал ўғитлар фонида қўллашга ҳамда азотли ўғитларни муддатларини аниқлашга қаратилган устувор йўналишда илмий-тадқиқотлар олиб борилмоқда. Бу борада, қишлоқ хўжалик экин ер майдонларининг агрокимёвий хоссалари ва биологик фаоллигини аниқлаган ҳолда биологик препаратларни минерал ўғитлар фонида қўллаш ва азотли ўғитлар муддатларини аниқлаш асосида қишлоқ хўжалиги экинларини, жумладан помидорни озика элементларга бўлган талабини қондириш, турли зараркунанда ва касалликларга чидамлилигини ошириш ҳамда ҳар бир минтақанинг тупроқ-иқлим шароитига мос помидор навларини танлашга қаратилган илмий тадқиқотларга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Республикамизда сўнгги йилларда аҳолини озиқ-овқат ва бошқа қишлоқ хўжалиги, хусусан, сабзавот маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини тўла қондириш мақсадида сабзавотчилик тармоғида кенг қамровли чора-тадбирлар амалга оширилиб муайян натижаларга эришилмоқда. Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020–2030 йилларга мўлжалланган стратегиясида «... тупроқ-иқлим шароитларидан келиб чиққан ҳолда ўғитдан фойдаланишнинг самарали тизимини жорий этиш, тупроқ унумдорлигини сақлаш ва янада ошириш чораларини кўриш» борасида муҳим вазифалар белгилаб берилган, шунинг учун ҳам помидордан юқори ҳосил олиш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7-февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисидаги»<sup>2</sup>ги, 2019 йил 17 июндаги ПФ-5742-сон «Қишлоқ хўжалигида ер ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш чора-

<sup>1</sup> <http://www.vegetables.su.jour/article>

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисидаги фармони.

тадбирлар тўғрисида»ги Фармонлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «2016–2020 йилларда мева-сабзавот ва гўшт-сут маҳсулотларининг хом ашё базасини янада ривожлантириш, уларни қайта ишлашни чуқурлаштириш, озиқ-овқат товарлари ишлаб чиқариш ва экспорт қилишни кўпайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2016 5 мартдаги ПҚ-2505-сон қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига боғлиқлиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг V. «Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф-муҳит муҳофазаси» устувор йўналишларига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Помидорни янги навлари ва уларни уруғига ишлов бериб экиш бўйича илмий тадқиқотлар хорижлик олимлардан A.L.Harrison, G.Fassuliotis, Dr.H.K. Panigrahi, Chai Min, И.В.Козлова. Yu Shuan-Chang, А.И.Грушанин, Л.В.Есаулова, В.Ф.Пивоваров ҳамда ўзбекистонлик олимлардан Х.А.Хосрови, Б.Д.Азимов, Е.В.Ермолова, М.Х.Арамов, Р.А.Низомов, С.И.Дусмуратова, Ж.Н.Нажжиев, Ф.М.Расулов, А.М.Аббосов, Ф.Р.Ганиев, М.У.Низомова. Ж.Ш.Тўрақулов, К.Ш.Маматов ва бошқа кўплаб олимлар томонидан олиб борилган. Лекин, Сурхондарё вилояти тақирли-ўтлоқи тупроқлар шароитига мослаштирилган помидор навларини танлаш, экологик тоза помидор етиштиришда минерал ўғитлар меъёрини белгилаш ва қўллаш касалликларга чидамли бўлган биологик препарат ҳамда юқори ҳосил етиштиришга қаратилган илмий изланишлар етарлича олиб борилмаган.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Термиз давлат университети билан Сабзавот, полиз экинлари ва картошкачлик илмий-тадқиқот институтининг Термиз филиалини илмий тадқиқот ишлари режасининг КХА-8-029-2015 «Сабзавот экинларининг касаллик, зараркундаларга, иссиққа чидамли, юқори ҳосилли янги нав ва дурагайлари яратиш ва бирламчи уруғчилигини ташкил этиш» (2015–2017 йй.) мавзусидаги амалий лойиҳаси доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** Сурхондарё вилояти тақирли-ўтлоқи тупроқлар шароитида помидордан юқори ҳосил етиштиришда азотли ўғитларнинг мақбул меъёр, муддатларини ишлаб чиқиш ва биологик препаратнинг таъсирини аниқлашдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

тажриба даласи суғориладиган тақирли-ўтлоқи тупроқларининг агрокимёвий хоссаларига азотли ўғитларнинг таъсирини аниқлаш;

қўлланилган азотли ўғитларнинг тупроқ микробиологик хоссаларига таъсирини таҳлил қилиш;

помидордан юқори ҳосил етиштириш учун азотли ўғитларнинг мақбул меъёр ва муддатларини аниқлаш;

тақирли-ўтлоқи тупроқлар шароитида помидордан юқори ҳосил етиштиришда биологик препарат билан уруғга ишлов беришнинг самарасини ўрганиш;

помидор етиштиришда биологик препаратларни минерал ўғитлар фонида қўллашнинг иқтисодий самарадорлигини аниқлаш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида тажриба даласининг суғориладиган тақирли-ўтлоқи тупроқлари, помидорнинг Сурхон-142 нави, минерал ўғитлар ва «Экостим» препарати хизмат қилган.

**Тадқиқотнинг предмети** тупроқларнинг агрохимёвий хоссалари, озиқа элементлар динамикаси, помидорнинг ўсиши ва ривожланиши, куруқ массаси, ҳосили, унинг сифати, минерал ўғитлар, биологик препарат ва тупроқнинг микроорганизмлари ҳисобланади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Илмий тадқиқот ишидаги дала ва ишлаб чиқиш тажрибалари, камерал-лаборатория, ўсимликда олиб борилган фенологик кузатувлар, биометрик ўлчовлар қуйидаги услубият ва қўлланмалар асосида олиб борилган: «Сабзавотчилик, полизчилик ва картошқачиликда тажрибалар ўтказиш методикаси», «Методика опытного дела в овощеводстве и бахчеводстве», «Методы агрохимических анализов почв средней Азии». Олинган натижаларнинг математик-статистик таҳлили Microsoft Excel дастурида дисперсион усулда амалга оширилди (Б.А.Доспехов).

**Тадқиқотининг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

Сурхон-Шеробод воҳасида тарқалган суғориладиган тақирли-ўтлоқи тупроқларнинг агрохимёвий хоссаларига ва помидор ҳосилига минерал ўғитлар мақбул (N<sub>300</sub>P<sub>120</sub>K<sub>100</sub>) меъёрларининг ижобий таъсири исботланган;

суғориладиган тақирли-ўтлоқи тупроқлар шароитида помидордан юқори ва сифатли ҳосил етиштиришда азотли ўғитларни қўллаш муддатлари (кўчат экилгандан кейин 20%, гуллаш даврида 30%, ёппасига мева тугиш даврида 50%) аниқланган;

помидор уруғига «Экостим» биопрепарати билан ишлов бериб, минерал ўғитларни мақбул (N<sub>300</sub>P<sub>120</sub>K<sub>100</sub>) меъёрда қўллаш, унинг ўсиб-ривожланишига (8,5 фоизга) ва ҳосил миқдорига (0,9 т/га) ижобий таъсир қилиши аниқланган;

азотли минерал ўғитлар 300 кг/га қўлланилганда тупроқдаги микроорганизм (бактериялар, замбруғлар, актиномицитлар, азотфиксаторлар, нитрификаторлар, нитратредуцинтлар ва целлюлоза парчаловчи бактерия)лар сони мавсум охирида назорат вариантыга нисбатан мос равишда 12,2 млн/г; 30 минг/г; 12,9 млн/г 9,7 млн/г; 10 минг/г; 2,9 млн/г ва 11 минг/г га ортганлиги асосланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

Сурхон-Шеробод воҳаси суғориладиган тақирли-ўтлоқи тупроқлар шароитида помидорнинг уруғига «Экостим» биопрепарати билан ишлов бериб минерал ўғит (N<sub>300</sub>P<sub>120</sub>K<sub>100</sub>)ларни мақбул меъёр ва муддатларда қўллаш технологияси ишлаб чиқилган;

помидор уруғига «Экостим» препарати билан ишлов бериб мақбул минерал ўғитлар суғориладиган тақирли-ўтлоқи тупроқ шароитида етиштириш самарадорлиги ва помидор сифати баҳоланган;

тақирли-ўтлоқи тупроқлар шароитида минерал ўғитларни мақбул  $N_{300}P_{120}K_{100}$  меъёрларда қўлланганда тупроқларнинг агрокимёвий хоссаларига, хусусан ҳаракатчан азот, фосфор ва алмашувчи калий элементларига ижобий таъсир этиб, вегетация якунида тупроқ таркибидаги озика элементлари мос равишда 3,9–4,8; 1,3–2,2; ва 25–35 мг/кг га ошган.

биологик препарат билан уруғга ишлов бериб мақбул минерал ўғит қўллаш помидор уруғларининг униб чиқишига, вегетатив ва генератив органларнинг шаклланишига ижобий таъсир этиб, уруғларни униб чиқиши 3 кунга; 50 фоизгача гуллаш жараёни 11–12 кунга; 50 фоизгача мева тугиш 5–7 кунга, 50 фоизгача меваларни пишиши 10–11 кунга тезлашган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.** Тадқиқотлар бажарилган дала, камерал-лаборатория ва ишлаб чиқариш усулларида фойдаланган ҳолда, олинган натижалар статистик-математик таҳлилдан ўтказилганлиги, тадқиқот маълумотлари мутахассислар томонидан ижобий баҳоланганлиги, ишлаб чиқаришга жорий қилинганлиги, республика ва халқаро миқёсда ўтказилган илмий ва амалий конференцияларда муҳокама қилинганлиги, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси томонидан эътироф этилган нуфузли хорижий ва маҳаллий журналларда чоп этилганлиги натижаларнинг ишончлилигини кўрсатади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти Сурхон-Шеробод воҳасида тарқалган суғориладиган тақирли-ўтлоқи тупроқларнинг агрокимёвий хоссаларига ва помидор ҳосилига минерал ўғитларнинг мақбул ( $N_{300}P_{120}K_{100}$ ) меъёрлари ижобий таъсир қилиши исботланганлиги, суғориладиган тақирли-ўтлоқи тупроқлар шароитида помидордан юқори ва сифатли ҳосил етиштиришда азотли ўғитларни қўллаш муддатлари (кўчат экилгандан кейин 20%, гуллаш даврида 30%, ёппасига мева тугиш даврида 50%) аниқланганлиги, помидор уруғига «Экостим» биопрепарати билан ишлов бериб, минерал ўғитларни мақбул ( $N_{300}P_{120}K_{100}$ ) меъёрда қўллаш, унинг ўсиб-ривожланишига (8,5 фоизга) ва ҳосил миқдорига (0,9 т/га) ижобий таъсир қилиши аниқланганлиги, азотли минерал ўғитлар 300 кг/га қўлланилганда тупроқдаги микроорганизм (бактериялар, замбруғлар, актиномицитлар, азотфиксаторлар, нитрификаторлар, нитратредуцинтлар ва целлюлоза парчаловчи бактерия)лар сони мавсум охирида назорат вариантыга нисбатан мос равишда 12,2 млн/г; 30 минг/г; 12,9 млн/г 9,7 млн/г; 10 минг/г; 2,9 млн/г ва 11 минг/г га ортганлиги ҳамда суғориладиган тақирли-ўтлоқи тупроқлар шароитида помидордан юқори ва сифатли ҳосил олишга қаратилган технология илмий асосланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундан иборатки, Сурхон-Шеробод воҳасида тарқалган суғориладиган тақирли-ўтлоқи тупроқлар шароитида помидорнинг Сурхон-142 навидан юқори ҳосил етиштиришда помидор уруғига «Экостим» биопрепарати билан ишлов бериб минерал ўғитларнинг  $N_{300}P_{120}K_{100}$  мақбул меъёри ва азотли ўғитларни муддатларини ишлаб чиқиши, йиллик азотли минерал ўғитларнинг 20 фоизини кўчат экилгандан кейин, 30 фоизини гуллаш даврида, 50 фоизини ёппасига мева тугиш даврида қўллаш лозимлиги, биопрепарат билан минерал ўғитларни мақбул меъёрда қўллаш тупроқларнинг агрокимёвий хоссалари (ҳаракатчан



азот, фосфор ва алмашувчи калий элементлари)га ижобий таъсир этиши, вегетация якунида тупроқларнинг ҳайдов қатламларида ҳаракатан 3,9–4,8 мг/кг, ҳаракатчан фосфор 1,3-2,2 мг/кг, алмашувчи калий 25-35 мг/кг га ошиши, помидор уруғига биопрепарат билан ишлов бериш уруғни унуб чиқишини 3 кунга, 50 фоизгача гуллаш жараёнини 11-12 кунга, 50 фоизгача мева тугуш 5-7 кунга, 50 фоизгача меваларни пишиши 10-11 кунга тезлаши, помидор ҳосилдорлиги 2,5-3,0 ц/га, рентабеллик даражаси 40,3 фоизга ошишига хизмат қилади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Сурхон-Шеробод воҳасида тарқалган суғориладиган тақирли-ўтлоқи тупроқлар шароитида помидордан юқори ҳосил етиштиришда азотли ўғитларнинг меъёрини аниқлаш ва биологик препаратнинг таъсири бўйича олинган илмий натижалар асосида:

Сурхон-Шеробод воҳаси суғориладиган тақирли-ўтлоқи тупроқ шароитида эрта баҳорги муддатда помидорнинг Сурхон-142 нави уруғига биологик препарат билан ишлов бериб,  $N_{300}P_{120}K_{100}$  минерал ўғитларнинг мақбул меъёрлари Бандихон тумани «Вақт ва имконият» фермер хўжалигининг 0,5 гектар майдонида жорий қилинган (Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2020 йил 21 августдаги 02/021-2591-сон маълумотномаси). Натижада, помидорни ананавий усулда етиштирилганга нисбатан 5-8 кун эрта ҳосил олинган, 45 фоизгача бегона ўтлар билан зарарланишини олди олинган, ҳосилдорлик 2,5-3,0 т/га юқори бўлган, рентабеллик даражаси 40,3 фоизни ташкил этишига эришилган.

Суғориладиган тақирли-ўтлоқи тупроқ шароитида помидорни Сурхон-142 нави уруғига биологик препарат билан ишлов бериб, азотли ( $N_{300}$ ) минерал ўғитни мақбул қўллаш муддатлари ишлаб чиқилган ва Сабзавот-полиэкинлари ва картошкачилик илмий-тадқиқот институтининг Термиз филиалида 0,5 гектар майдонга жорий қилинган (Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2020 йил 21 августдаги 02/021-2591-сон маълумотномаси). Натижада, помидорнинг Сурхон-142 навида азотли минерал ўғитларни 20 фоизини кўчат экилгандан сўнг, 30 фоизини гуллаш даврида, 50 фоизини ёппасига мева тугиш даврида қўллаш юқори ва сифатли ҳосил олишга имкон берган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари жами 4 та, жумладан 2 та халқаро ва 2 та Республика илмий-амалий анжуманларда муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларини эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 11 та илмий иш чоп этилган, шулардан 1 та услубий қўлланма, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 6 та мақола, жумладан 5 таси республика ва 1 таси хорижий журналларда нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, бешта боб, хулосалар, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 119 бетни ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объект ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Тақирли-ўтлоқи тупроқлар шароитида помидордан юқори ҳосил етиштиришнинг замонавий усуллари ва ривожланиш истиқболлари**» деб номланган биринчи бобида хорижий ва республикамиз олимларининг ушбу мавзу доирасида олиб борган илмий тадқиқотларнинг шарҳи келтирилган. Бунда, жаҳон миқёсида сабзаёт экинлари, хусусан помидор экинларидан юқори ҳосил олишда азотли минерал ўғитларнинг ҳамда биологик перепаратларнинг роли, тупроқ-иқлим шароитининг таъсири бўйича олиб борилган тадқиқотларнинг натижалари ҳақида маълумотлар баён этилган.

Диссертациянинг «**Тадқиқот ўтказилган ҳудуднинг тупроқ-иқлим шароитлари ва услублари**» деб номланган иккинчи бобида тадқиқот ўтказилган ҳудуд тупроғи, иқлими, тажриба даласи тупроқларининг агрокимёвий ва агрофизикавий хоссалари, сувли сўрим таҳлили маълумоти, помидорнинг Сурхон-142 наврини таснифи ва «Экостим» биопрепарати ҳақида ҳамда тажриба схемаси, тадқиқот ўтказиш услуби ва шароитлари тўғрисидаги маълумотлар келтирилган.

Ушбу бобда олиб борилган тадқиқотлар йўналиши, помидорнинг тақирли-ўтлоқи тупроқ шароитига мослашган Сурхон-142 навини танлаш, тақирли-ўтлоқи тупроқларнинг унумдорлигини оширишга қаратилган биотехнологик йўллар, дала тажрибаларини олиб боришда қўлланилган фенологик кузатувлар ва биометрик ўлчовлар, тажриба маълумотларига математик-статистик ишлов бериш услублари баён қилинган.

Дала тажрибалари Сурхондарё вилоятининг суғориладиган тақирли-ўтлоқи тупроқлари шароитида ўтказилган бўлиб унинг агрокимёвий хусусиятига кўра, 0-30 смли ҳайдов қатламида гумус миқдори 0,834%, нитрат шаклидаги азот 13,8 мг/кг, ҳаракатчан фосфор 23,2 мг/кг ни ташкил этди. Ўрганилган тупроқлар гумус билан ўртача, нитрат шаклдаги азот билан жуда кам, ҳаракатчан фосфор ва алмашинувчи калий билан кам даражада таъминланган.

Қишлоқ хўжалиги экинларини етиштириш кўпгина биотик ва абиотик омилларга боғлиқ бўлади. Йилнинг келишига қараб ҳосилдорликни мўл бўлиши ёки об-ҳаво ноқулайликлари жазирама иссиқ, қурғоқчилик, гармсел ва бошқалар ҳосил миқдорига ва сифатига салбий таъсир этиши мумкин.

Тажриба ўтказилган йилларда об-ҳаво шароитлари бир-биридан кескин фарқ қилмади. Олинган метеорологик маълумотларга кўра, ҳудуднинг кўп йиллик ўртача ҳарорати  $+16,8^{\circ}\text{C}$  даражани ташкил этган. 2018–2020 йилларда тегишлича 18,4; 19,0; 17,8  $^{\circ}\text{C}$  оралиғида кузатилди ва ўртача уч йилда  $+18,4^{\circ}\text{C}$

даражани ташкил этиб, ўртача кўп йилик маълумотга нисбатан 1–2<sup>0</sup>С юқори бўлди. Айниқса, 2019 йилда қурғоқчил, яъни ўртача кўп йиллик маълумотга нисбатан 2,2 даражада юқори бўлди.

Диссертациянинг «*Ҳар хил меъёрдаги азотли ўғитларнинг тупроқ агрокимёвий ва микробиологик хоссаларига таъсири*» деб номланган учинчи бобининг «*Ҳар хил меъёрдаги азотли ўғитларнинг тупроқдаги озик моддалар ўзгаришига таъсири*» деб номланган параграфда ўрганилган тупроқнинг хосса-хусусияти, тупроқларнинг озика элементлар билан таъминланганлик даражалари келтирилган. Чунки, қишлоқ хўжалиги экинлари, шу жумладан помидорнинг ҳам йиллик озика элементига бўлган талабини умумий миқдорига қараб эмас, балки ўғитларнинг ҳаракатчан шаклдаги миқдори билан аниқланади. Озика элементларининг ҳаракатчан шаклдаги миқдори жуда ҳам кам бўлади ва жуда тез ўзгариб туради. Чунки, улар тез ювилади ва ўсимликлар ўзлаштира олмайдиган шаклга ўтиб қолади. Шунинг учун ҳам ҳар бир экиннинг озика элементига бўлган талаби ва тупроқ-иқлим шароитига мос ўғит меъёри ва муддатлари ишлаб чиқилади.

Ўғитларни қўллаш тупроқ таркибидаги аммоний шаклдаги азот миқдорига сезиларли таъсир кўрсатди. Ўғит қўлланилмаган назорат вариантыда тупроқ таркибидаги аммоний шаклдаги азот миқдори 1 кг тупроқда 20 апрелда 18,5 мг бўлган бўлса, 1 майда 19,3 мг; 15 майда 19,5; 1 июнда 20,6; 15 июнда 21,4; 1-июлда 22,1; 15- июлда 23,6; 1 августда 23,5; 15 августда 20,2; 1 сентябда 19,7; 15 сентябрда 19,5; 1 октябрда эса 17,3 мг эканлиги кузатилди

1-жадвал


### Турли меъёрдаги азотли ўғитларнинг тупроқдаги аммиак шаклидаги азот (N-NH<sub>4</sub>) миқдорига таъсири, мг/кг (2018-2020 йй.)

№	Йиллик ўғит меъёри, кг/га			Био-препарат	Анализ муддатлари											
	N	P <sub>2</sub> O <sub>5</sub>	K <sub>2</sub> O		20.04.	01.05.	15.05.	01.06.	15.06.	01.07.	15.07.	01.08.	15.08.	01.09.	15.09.	01.10.
1.	0	0	0		18,5	19,3	19,5	20,6	21,4	22,1	23,6	23,5	20,2	19,7	19,5	17,3
2.	0	120	100		18,4	19,8	19,7	20,9	21,8	22,5	23,9	24,2	20,7	19,9	19,3	17,2
3.	100	120	100		18,5	21,8	25,6	32,8	35,8	38,8	39,4	40,5	37,6	30,3	27,5	18,4
4.	100	120	100	Экостим	18,7	21,9	25,8	32,9	35,9	38,9	39,6	40,7	37,8	30,5	27,6	18,5
5.	200	120	100		18,0	24,5	30,6	33,8	38,7	40,8	42,1	44,0	38,2	34,2	28,2	18,7
6.	200	120	100	Экостим	18,7	24,4	30,8	33,7	38,9	40,9	42,2	43,1	38,3	34,1	28,3	18,6
7.	300	120	100		18,3	27,4	33,4	35,0	40,2	42,5	44,0	46,2	40,5	36,9	30,2	19,1
8.	300	120	100	Экостим	18,9	27,3	33,5	35,1	40,3	42,4	44,1	46,3	40,4	36,8	30,3	19,2

Помидор ўсимлигининг вегетация даври давомида қўлланилган минерал ўғитлар таъсирида тупроқ таркибидаги нитрат шаклдаги азот миқдори ошиб бориши кузатилди. Масалан, 1 май куни олинган таҳлил натижаларига кўра, ўғитсиз назорат вариантыда 1 кг тупроқда 20,3 мг бўлган бўлса, 100 кг азотли минерал ўғитга P<sub>120</sub>K<sub>100</sub> (фон) вариантыда мос равишда учинчи ва тўртинчи вариантларларда 21,5–21,6 мг ни, яъни 20 апрелда олинган маълумотларга нисбатан ҳар иккала вариантда ҳам 2,1 мг/кг га ортганлиги кузатилди. Фосфорли ва калийли ўғитлар фонда азотли ўғитлар меъёрини 200 ва 300 кг/га оширилган олтинчи ва саккизинчи вариантларда бу кўрсаткичлар

юқоридагиларга мос равишда 22,4 ва 25,5 мг/кг ни ташкил этиб дастлабкисига нисбатан 3,2 ва 6,2 мг/кг га ортганлиги кузатилди (2- жадвал).

Худди аммоний шаклдаги азот сингари нитрат азоти ҳам 1 августгача барча вариантларда ошиб борди. 1 августда ўғитсиз назорат вариантыда 25,5 мг/кг бўлган бўлса, учинчи ва тўртинчи вариантларда мос равишда 42,5–42,6 мг/кг, 200 ва 300 кг азотли минерал ўғит+(Фон) қўлланилган олтинчи ва саккизинчи вариантларда эса мос равишда 46,1–47,6 мг/кг бўлди (3-жадвал). 1 августдан кейин барча вариантларда нитрат шаклдаги азот миқдори камайиб борди ва 1 октябрга бориб тупроқда барча вариантларда камайиш кузатилди.



**1-расм. Турли меъёрдаги азотли ўғитларнинг тупроқдаги нитрат шаклидаги азот (N–NO<sub>3</sub>) миқдорига таъсири, мг/кг тупроқда (2018–2020 йй.)**

Ўсимликларнинг озикланиш тартибига тупроқдаги минерал азот миқдорига қараб тўлақонли хулоса чиқариш мумкин. Аммо, тупроқлар юқори қатламларининг остки қатламлар ҳисобига фосфорга бойлиги кузатилади (фосфорнинг биологик аккумуляцияси туфайли). Аммо бу жараён секинлик билан кечади.

2-жадвал

**Минерал ўғитларнинг тупроқдаги ҳаракатчан фосфор (P<sub>2</sub>O<sub>5</sub>)миқдорига таъсири, мг/кг тупроқда (2018–2020 йй.)**

№	Йиллик меъёр, кг/га			Биопрепарат	Анализ муддатлари											
	N	P <sub>2</sub> O <sub>5</sub>	K <sub>2</sub> O		20.04	01.05	15.05	01.06	15.06	01.07	15.07	01.08	15.08	01.09	15.09	01.10
1.	0	0	0		19,2	20,2	21,4	22,1	22,8	22,9	23,2	23,4	21,5	20,8	20,6	19,7
2.	0	120	100		24,9	28,1	31,3	36,5	37,8	39,8	41,2	41,8	37,5	32,5	27,3	21,2
3.	100	120	100		25,0	27,9	31,5	36,3	37,5	39,6	41,4	42,2	37,6	32,8	27,5	21,4
4.	100	120	100	Экостим	24,7	28,3	31,9	36,7	37,7	39,7	41,2	41,6	37,8	32,3	27,4	21,6
5.	200	120	100		24,5	28,6	31,5	36,5	37,6	39,6	41,5	41,7	37,3	32,4	27,6	21,3
6.	200	120	100	Экостим	24,2	28,7	31,4	36,8	37,9	40,0	41,4	42,1	37,8	32,4	27,1	21,0
7.	300	120	100		25,0	28,4	31,5	36,7	37,5	40,2	41,8	42,2	37,4	32,3	27,5	21,2
8.	300	120	100	Экостим	24,5	28,9	31,7	36,9	38,0	39,7	41,5	41,7	37,5	32,5	27,2	20,9


Помидорнинг тупланиш даражаси тупроқдан ўсимликлар томонидан ҳосил билан олиб кетилаётган фосфор миқдори билан тенг бўла олмайди.

Тупроқлардаги фосфор бирикмалари оз эрувчанлиги ва ўсимликларга секин ёки қийин ўтувчанлиги билан характерланади. Шунинг учун кўпгина тупроқларда ўсимликлар учун фосфорли минерал ўғитларни қўллаш мақбул чоралардан бири ҳисобланади.

Биз ҳам дала тажрибаси асосида ҳар хил меъёрдаги азотли минерал ўғитларни  $P_{120}K_{100}$ –(Фон) ўргандик. Бунда фосфорли ўғитларни қўллашни тупроқдаги ҳаракатчан фосфор миқдorigа таъсири ўрганилди. Ҳаракатчан фосфор миқдори эрта баҳордан ёз фаслига қараб ортиб борди ва август ойидан яна камайиши кузатилди. Масалан, ўғитсиз назорат вариантыда тупроқдаги ҳаракатчан фосфор миқдори 20 апрелда 19,2 мг/кг, 1 июнда 22,1 мг/кг, 1 июлда 22,9 мг/кг, 1 сентябрда 20,8 мг/кг,  $P_{120}K_{100}$  – фон вариантыда бу кўрсаткич юқоридагига мос равишда 24,9; 36,5; 39,8; 32,5 мг/кг, ушбу ўғитлар фонида ҳар хил меъёрдаги азотли ўғитларни қўлланилган барча вариантларда ҳам худди шундай қонуният сақланиб қолди.

Тупроқдаги муҳим озиқ моддалардан яна бири бу алмашинувчи калий ҳисобланади. Калийли озиқланиш помидорнинг ўсиши ва ривожланишига кучли таъсир қилади. Умуман олганда, тупроқда алмашинувчи калий миқдори азот ва ҳаракатчан фосфор миқдоридан бир неча марта кўп бўлиши билан ажралиб туради. Ўғитсиз назорат вариантыда тупроқдаги алмашинувчи калийнинг табиий миқдори 185 мг/кг ни ташкил этиб, эрта баҳордан ёз ойларига қараб ортиб борди. Помидорнинг ўсиши ва ривожланиши авж олган вақтда ўсимлик томонидан ўзлаштирилиши ҳисобига тупроқда алмашинувчи калий миқдори пасайиши кузатилди.

Минерал ўғитлардан  $P_{120}K_{100}$  кг/га фони вариантыда тупроқда алмашинувчи калий миқдорининг ортишига олиб келди. Масалан, ўғитсиз назорат вариантыда тупроқдаги алмашинувчи калий миқдори 1 апрелда 185 мг/кг, 1 июнда 210 мг/кг, 1 июлда 220 мг/кг, 1 сентябрда 200 мг/кг ни ташкил этди ва ушбу қонуният қолган барча вариантларда ҳам сақланиб қолди. Олиб борилган кимёвий таҳлил натижаларига кўра тупроқдаги алмашувчи калий миқдори кам ва ўртача таъминланганлик гуруҳларига мансуб эканлиги кузатилди (5-жадвал).



**2-расм. Минерал ўғитларнинг тупроқдаги алмашувчан калий ( $K_2O$ ) миқдorigа таъсири, мг/кг тупроқда (2018–2020 йй.)**

Алмашувчи калийнинг миқдори ўрганилган вариантларда динамикасига кўра 1 августгача ортиб боради. Бу баҳорда ҳароратнинг ортиб бориши ва бунинг натижасида тупроқда микробиологик жараёнларнинг ва минераллашишнинг кучайиши билан боғлиқ. Шундай қилиб, суғориладиган тақирли-ўтлоқи тупроқларда минерал ўғитларни қўллаш тупроқнинг озик режимига ижобий таъсир кўрсатди, яъни тупроқдаги аммоний ва нитрат шаклдаги азот ҳамда ҳаракатчан фосфор ва алмашувчи калий миқдорини сезиларли оширди. Бунинг оқибатида помидор ўсимлигининг озикланиши яхшиланади. Бу эса ўсимликларни ўсиб-ривожланишига ижобий таъсир кўрсатади.

Диссертациянинг «*Ҳар хил меъёردаги азотли ўғитларни тупроқнинг микробиологик хоссаларига таъсири*» деб номланган параграфида тажриба даласида минерал ўғитларни турли миқдорлари тупроқнинг микробиологик жараёнлари тўғрисидаги маълумотлар келтирилган. Тупроқда ўсимликлар озикланиши учун зарур бўлган ҳаракатчан озик моддалар асосан микробиологик жараёнлар ҳисобига ҳосил бўлади. Шунинг учун тупроқнинг микробиологик фаоллиги ҳисобига тупроқ озик режимини бошқариш мумкин.

Азотли минерал ўғит (200 кг/га) меъёрига +Фон (P<sub>120</sub>K<sub>100</sub>) қўлланилган вариантда тупроқдаги бактериялар сонига ижобий таъсирини йўқотмади. Масалан, ўғитсиз назорат варианты тупроғида бактериялар сони 20 апрелда 4,1 млн/г, P<sub>120</sub> K<sub>100</sub> минерал ўғит вариантыда 6,8 млн/га ни, азотнинг 100 кг/га меъёрида+Фон вариантыда 12,3–12,7 млн/га, азотнинг 200 кг/га+Фон вариантда 15,2 млн/га ни ташкил қилди. Шунингдек, помидор уруғига биопрепарат билан ишлов бериб, азотли минерал ўғит+Фон 6-вариантда бу миқдор 15,6 млн/гани, азотни оширилган 300 кг/га меъёри+ Фон қўлланилган 7-вариантда ҳам тегишлича 19,5 млн/га, “Экостим” қўлланилган 8-вариантда 19,8 млн/га бактериялар тупроқда борлиги аниқланди ва ушбу кўрсаткичлар июнь ойининг иккинчи декадасида азотли ўғитлар меъёри ортиши билан тупроқдаги бактериялар сонини кескин ортишига олиб келди.

3-жадвал

**Турли меъёردаги азотли ўғитларнинг тупроқдаги бактериялар сонига таъсири, млн/г тупроқда (2018–2020 йй.)**

№	Йиллик меъёр, кг/га			Био-препарат	Бактериялар сони, млн/г тупроқда											
	N	P <sub>2</sub> O <sub>5</sub>	K <sub>2</sub> O		20.04	01.05	15.05	01.06	15.06	01.07	15.07	01.08	15.08	01.09	15.09	01.10
1.	0	0	0		4,1	6,3	8,2	10,3	15,0	14,5	13,5	12,1	10,8	8,5	4,1	6,7
2.	0	120	100		6,8	9,7	15,5	17,6	21,6	19,4	25,6	18,9	16,2	14,8	23,8	11,5
3.	100	120	100		12,3	16,4	18,2	20,3	23,8	22,7	21,3	17,2	15,0	13,5	12,4	11,2
4.	100	120	100	Экостим	12,7	16,8	18,5	20,5	24,0	22,7	21,6	17,5	15,2	13,8	12,7	11,5
5.	200	120	100		15,2	20,0	25,9	28,4	35,1	32,2	27,5	22,8	21,1	19,0	15,3	17,3
6.	200	120	100	Экостим	15,6	20,2	26,0	28,6	35,4	32,5	27,9	23,0	21,4	19,2	15,6	17,6
7.	300	120	100		19,5	24,2	29,5	32,4	40,3	36,2	31,2	25,4	23,1	20,5	19,5	18,7
8.	300	120	100	Экостим	19,8	24,5	29,8	32,7	40,5	36,6	31,5	25,7	23,5	20,8	19,8	18,9


Минерал ўғитларнинг P<sub>120</sub>K<sub>100</sub> + фон вариантыда тупроқда замбуруғлар сонини ортишини таъминлади. Аммо, ушбу фонда азотли ўғитларни турли меъёрларда қўллаш тупроқдаги замбуруғлар сонини кескин ортиши натижасида

микорганизмлар фаолиятини яхшилаш ҳамда бунинг ҳисобига ўсимликларнинг ўсиш, ривожланиши учун мақбул (оптимал) тупроқ структурасини ҳосил қилишга эришилди.

Масалан, Фон (P<sub>120</sub>K<sub>100</sub>) вариантыда азотли минерал ўғитлар меъёрини 100 кг/га дан 300 кг/га ошириш тупроқдаги замбруғлар сонини назорат вариантыга нисбатан кескин ортишини кузатиш мумкин. Азотли минерал ўғитларни 100 кг/га+Фон (P<sub>120</sub>K<sub>100</sub>) қўлланилганда апрель ойининг биринчи декадасида тупроқдаги замбруғлар сони 38–40 минг/г ни, июнь ойининг биринчи декадасига келиб 53–55 минг/г ни ташкил қилди. Ушбу кўрсаткич азотли минерал ўғитлар меъёрини ошириб 200 ва 300 кг/га+Фон қўлланилган вариантларида юқоридагига мос равишда тупроқда 47–45; 52–50; 68–70; 74–75 минг/г ни ташкил қилди (6-жадвал).

Бундан хулоса қилиш мумкинки, помидорнинг вегетация даври давомида барча агротехник тадбирларини комплекс равишда амалга ошириш билан бирга минерал ўғитларни мақбул меъёр ва муддатларда қўллаш, тупроқнинг оптимал ҳарорати ва намлигини меъёрда таъминлаш, тупроқдаги замбруғлар сонининг ва фаолиятининг мақбул бўлишига олиб келди. Бу эса помидорнинг вегетация даврида ўсиб ривожланишига ижобий таъсир қилади, пировард натижада кутилган ҳосил олиш имкони яратилади. Шу билан бирга аҳолининг озиқ-овқат, хусусан помидор маҳсулоти билан етарли таъминлаш имконини беради.

Актиномицетлар азотли ўғитларни 300 кг/га меъёри P<sub>120</sub>K<sub>100</sub>+фон варианты билан биргаликда қўлланилганда, актиномисетлар сони энг юқори бўлганлиги кузатилди. P<sub>120</sub>K<sub>100</sub>–фонида азотли ўғитлар меъёрини 300 кг/га 100 кг/га гача пасайтириш актиномисетлар сонини камайишига олиб келди. Бу айниқса азотли ўғитларни қўллаш муддатларида яққол сезилди. Масалан, тупроқда актиномисетлар сони 20 апрелда ўғитсиз назорат вариантыда 5,4 млн/г 1 июлда 8,3 млн/г бўлган бўлса, P<sub>120</sub>K<sub>100</sub>– (Фон) вариантыда мос равишда 7,8 ва 14,8 млн/г тўпланганлиги маълум бўлди. P<sub>120</sub>K<sub>100</sub>–(Фон) вариантыда азотли ўғитлар меъёри 100 кг/га қўлланилган вариантда назоратга нисбатан бироз ортганлиги кузатилиб, 20 апрелда 3 ва 4 вариантларда 10,3 ва 10,5 млн/г, 1 июлда эса мос равишда 20,3–20,5 млн/г ни ташкил қилди. Азотли минерал ўғитларни турли (200–300 кг/га) меъёрига+Фон (P<sub>120</sub>K<sub>100</sub>) қўлланилган вариантларда юқоридагига мос равишда 11,3–12,7 ва 21,7–23,7 млн/г тупроқда бўлиши аниқланди.



**3-расм. Турли меъёрдаги азотли ўғитларнинг тупроқдаги замбруғлар сонига таъсири, минг/г тупроқда (2018–2020 йй.)**

Демак, тупроқдаги актиномецетлар сонига минерал ўғитлар сезиларли таъсир кўрсатади. Азотли минерал ўғитлар қўлланилиши билан тупроқда актиномецетлар сонининг ортиб бориши кузатилди. Бу ҳолат июль ойининг биринчи ўн кунлигига қадар ортиб борди ва кейинги ойларда эса камайиши кузатилди. Шундай қилиб, азотли ўғитларнинг турли хил меъёр ва унинг фосфор ва калий билан ўзаро нисбатлари актиномецетлар сонига ижобий таъсир кўрсатиши аниқланди.


4-жадвал

**Турли меъёрдаги азотли ўғитларнинг тупроқдаги актиномецитлар сонига таъсири, млн/г тупроқда (2018–2020 йй.)**

№	Йиллик меъёр, кг/га			Биопрепарат	Актиномисетлар сони, млн/г тупроқда											
	N	P <sub>2</sub> O <sub>5</sub>	K <sub>2</sub> O		20.04	01.05	5.05	01.06	15.06	01.07	15.07	01.08	15.08	01.09	15.09	01.10
1.	0	0	0		5.4	6.5	7.2	7.5	8.0	8.3	7.7	7.3	7.0	6.5	6.0	5.8
2.	0	120	100		7.8	8.4	12.6	13.0	14.5	14.8	14.1	13.7	13.1	12.7	12.1	11.7
3.	100	120	100		10,3	11,3	13,7	14,0	19,6	20,3	19,4	19,0	18,5	17,3	17,2	15,0
4.	100	120	100	Экостим	10.5	11.2	13.5	14.2	19.8	20.5	19.5	19.1	18.8	17.5	17.0	15.2
5.	200	120	100		11,3	13,2	17,2	17,2	21,4	21,5	20,6	20,1	19,7	18,0	17,5	16,3
6.	200	120	100	Экостим	11.5	13.3	17.0	17.4	21.3	21.7	20.8	20.0	19.8	18.2	17.8	16.5
7.	300	120	100		12,6	14,2	18,7	19,0	22,7	23,5	23,2	22,0	21,8	20,4	19,7	18,5
8.	300	120	100	Экостим	12.7	14.0	18.9	19.3	22.5	23.7	23.0	22.2	21.9	20.5	19.8	18.7

Тупроқдаги азотфиксаторлар сони ҳам азотли минерал ўғитларга боғлиқ ҳолда ортди. Ўғит қўлланилмаган назорат вариантыда ушбу муҳитда ўсадиган тупроқдаги азотфиксаторлар сони баҳор ва ёз ойларида динамикада ортиб боради. Бу кўрсаткич 1 июлга бориб энг юқори кўрсаткичга эга бўлди ва кейин унинг камайиб бориши кузатилди. Гуллаш ва мева тушлаш даврида азотфиксаторлар сони энг юқори миқдорда бўлди. Ушбу динамика фосфорли ва калийли минерал ўғитлар ўзи алоҳида қўлланилганда ҳам, азотли минерал ўғитларни турли меъёрда қўлланилганда ҳам ўзгармади.

Минерал ўғитлар P<sub>120</sub>K<sub>100</sub>+фон вариантынинг таъсири азотфиксаторлар сонига азотли ўғитларни турли меъёри билан биргаликда қўлланилганга нисбатан кучсиз бўлганлиги аниқланди. Буни апрель ва май ойларидаги кимёвий таҳлил натижалари кўрсатди. Масалан, ўғитсиз назоратда 20 апрелда тупроқдаги азотфиксаторлар сони 4,7 млн/г ни, 1 июлда 7,5 млн/г ташкил қилган бўлса, P<sub>120</sub>K<sub>100</sub>–фон вариантыда юқоридагига мос равишда 5,1 ва 18,0 млн/г ни, 100 кг/га азотли минерал ўғитга+Фон (P<sub>120</sub>K<sub>100</sub>) қўлланилганда тегишлича 10,8 ва 18,0 млн/г бўлиши аниқланди. (4-расм).



**4-расм. Турли меъёрдаги азотли ўғитларнинг тупроқдаги эркин яшовчи азотфиксаторлар сонига таъсири, млн/г тупроқда (2018-2020 йй.)**



